

# Касбий этиканинг замонавий тушунчалари (тадбиркорлик этикаси тажрибаси)

Хамраев Самариддин Бахриллоевич

СамИСИ “Ижтимоий фанлар” кафедраси ўқитувчиси

samariddinhamrayev38@gmail.com

**Аннотация:** Мақолада касбий этиканинг замонавий тушунчалари тадбиркорлик этикаси тажрибаси асосида таҳлил этилган бўлиб, этика, касбий этика сўзларининг изоҳи келтириб ўтилган. Шунингдек, мақолада ҳар бир соҳа ва йўналишларнинг касбий хусусиятлари ва уларнинг шакллантириш омиллари ҳақида атрофлича тўхталган.

**Аннотация:** В статье анализируются современные концепции профессиональной этики на основе опыта деловой этики и дается расшифровка понятий этика, профессиональная этика. Также в статье подробно рассматриваются профессиональные характеристики каждой области и направления и факторы, которые их формируют.

**Annotation:** The article analyzes modern concepts of professional ethics based on the experience of business ethics and gives an explanation of the words ethics, professional ethics. The article also dwells in detail on the professional characteristics of each field and direction and the factors that shape them.

**Калит сўзлар:** этика, касб, миллий тарбия, таълим-тарбия, одоб-ахлоқ, касб этикаси, фалсафий таълимот, касбий хусусиятлар, категория, тадбиркорлик маданияти, тадбиркор, мижоз, ахлоқий муҳит, қобилият, ташкилотчилик.

**Ключевые слова:** этика, профессия, национальное образование, образование, этика, профессиональная этика, философское образование, профессиональные характеристики, категория, бизнес-культура, предприниматель, клиент, этическая среда, способность, организация

**Keywords:** ethics, profession, national education, education, ethics, professional ethics, philosophical education, professional characteristics, category, business culture, entrepreneur, customer, ethical environment, ability, organization

Мамлакатимизда таълим-тарбия тизимини тубдан такомиллаштириш, илм-фан соҳасини ривожлантириш борасида бир қанча ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрдаги “Таълим-тарбия тизимини янада такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги<sup>1</sup> қарори Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.Каримов фарзандга меҳр қўйиш кераклигини, уларнинг қорнини тўқ, устини бут қилиш, ёшлик чоғидан болаларимизни миллий тарбия, ахлоқ-одоб, юксак маънавият асосида вояга етказиш биз учун доимо долзарб аҳамият касб этиши ҳақида таъкидлаб ўтган.

Ўзбек тилининг изохли луғатида касб этика сўзларига қуйидагича таъриф берилган. Касб [бирор нарсани ўрганиш, эгаллаш, фойда; ҳунар машғулот]. Иш фаолиятининг маълум тажриба тайёргарлик талаб этадиган бирор тури, соҳаси

2. Умуман одат, қилинган иш. <sup>2</sup>

Этика сўзига таъриф эса қуйидагича келтириб ўтилган. Этика (lot. ethisa юн.ethos ) 1. Ахлоқ ва унинг шахс ҳамда жамият ҳаётидаги ўрнини ахлоқнинг шаклланиши шарт-шароитларини ва шаклларини ўрганувчи фалсафий таълимот.

2.Бирор синф, ижтимоий гуруҳ ёки бирор касб эгаларига хос одоб –ахлоқ, унинг меъёрлари ва қоидалари мажмуи. <sup>3</sup>

Умуман олганда, касбий этика барча соҳаларда бўлганидек, тадбиркорлик фаолиятида ҳам муҳим ўринга эгадир. Юртимизда тадбиркорлик соҳасида, тадбиркорлик фаолиятида иш фаолиятини олиб бораётганлар учун қулайликлар, имкониятлар яратиб келинмоқда. Жумладан, 21.04.21 йилдаги “Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш, ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги қарори амала ўз тасдиғини топмоқда.

Тадбиркор фаолияти унинг ҳуқуқий ва ташкилий асослари билан чекланмасдан, ўз фаолияти ва тажрибасидан келиб чиқиб, одоб-ахлоқ меъёрларига риоя этиши муҳимдир.

Тадбиркор инсон ахлоқан шаклланган шунингдек, маданиятли бўлмоғи лозим. Бу тушунчаларни эса қуйидагиларда кўришимиз лозим.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрдаги ПҚ -4884-сонли қарори

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси А.Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти Ўзбекистон миллий энциклопедияси 328 бет

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси А.Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти Ўзбекистон миллий энциклопедияси 61 бет

- Тадбиркор давлат ва унинг қонунларини тўғридан-тўғри ҳурмат қилиши ва уларга риоя этиши
- тадбиркор миждонинг манфаатларини уйлаган ҳолда жамият ва давлат атроф муҳит учун зарар келтирмасликка, унга амал қилиши
- тадбиркор ва миждоз ўртасидаги муносабатлар ихтиёрий ва ўзаро ишонч асосида вужудга келиши кабилар.

Тадбиркор фаолият юритар экан, “тадбиркор маданияти” тушунчаси ва сифатларига алоҳида эътибор бермоқ лозим. “Тадбиркор маданияти” тадбиркор учун, унинг одоб-ахлоқ меъёрини намоеън этувчи тушунчадир.

Тадбиркор маданиятида одоб, имон, инсоф, адолат каби хусусиятлар акс этиши лозим. Тадбиркор ўз фаолиятини бошқаришда ходимларни қабул қила олиши, хизмат юзасидан қабул чоғида хушфеъллик, рағбат, баҳс, кизиқувчанлик, тиришқоқлик, изланувчанлик, мажлисларни олиб бориш зжараёнида муҳим вазифалар хусусида фикр юрита олиши, фикр алмашиши, қарор қабул қилиши кабиларга эътибор қаратиши лозим.

Тадбиркор раҳбар сифатида ўзини намоеън эта олиши, жамоада соф ахлоқий муҳит ярата олиши, ташкилотчилик қобилиятининг намоеън бўлиши, атрофдагилар билан яхши муносабатда бўлиши лозим.

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш жоизки, касбий фаолият доирасида “этика” тушунчаси муҳим тушунчалардан бири ҳисобланади. Тадбиркорлик этикаси ўзида бир қанча хусусиятларни акс эттиради. Одоб –ахлоқ меъёрлари, мулоқот маданияти, киришувчанлик қобилияти, адолатлилик каби тушунчалар замирида шаклланмоғи лозим.

## **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрдаги ПҚ -4884-сонли қарори
2. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси А.Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти Ўзбекистон миллий энциклопедияси 328 бет
3. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси А.Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти Ўзбекистон миллий энциклопедияси 61 бет